



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2019 йил 15 январь

сешанба № 1 (1151)

e-mail: insonvaqonun@adliya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz/

Президентимизнинг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизimini тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

...мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатлам-ларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ҳолатларини кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.



БОҒЧАДА ЙЎҚОТИЛГАН ДУР

тушунча шаклланади.

Масалан, 4-5 ёшдаги боғча боласига кексаларни ҳурмат қил, “Сен манави ниҳолни синдирма, манави идишни кўчага истаган жойингга отаверма, сувни исроф қилма, манави ариқ ёки дарёга чиқинди ташлама. Анҳор ёки ариқни ифлослантirme...” деб сабоқ берсак, бу тушунчаларнинг ҳуқуқий оқибатларини айтиб, тушунтириб борсак, келажақда биз юраги бутун авлодни тарбиялаймиз. Чунки болаликдан табиатни севган авлод бир кўчатни шарт синдириб ўтиши эвазига келажақда юз йиллаб илдиэ отиб, барқ уриб яшайдиган чинор ёки бошқа меваги бир дарахтни йўқ қилиб юборганини яхши ҳис қилади. Бундай авлод қанчалаб алп чинорлар кесилиб, катта шаҳарлар шип-шийдам бўлиб қолишига йўл қўймайди, кимларнингдир нафс кутқусига қўл бўлиб, хўжайинлар бир нарсани билади-да, деб тарихий ёдгорлик мақомидаги тахта ўрнатилган чинорлар танасига ҳам арра солмайди. Шундай бўлди-ку, кимсан, бутун бошли мамлакат журналистлари ишлайдиган “Матбуотчилар — 32” рўпарасидаги азамат тарихий чинорлар кесилиб кетди. Бу чинорлар Адлия вазирлиги биносига ҳам яқин эди. На бирор журналист, на вазирликнинг бирор ходими, нима қилаясанлар, кесманглар, деб ҳайқирмади-ку!


Бола ҳуқуқий маданият билан юзма-юз келса, боғча давриданок дарёлар, оқар сувлар халқнинг бойлиги эканлиги юрагига сингдирилса, оқаётган дарёлар қирғоғига ҳаммом, сауна, оғилхона, алламбало қурадиган, тоғдан тоза ва тиниқ бўлиб тушаётган зилол сувни булгаб ҳаром қиладиган бугунги авлод бўй кўрсатмасди. Агар ҳуқуқий маданият бола боғчасидан ўргатилганда эди, ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган, пора бермасанг ишинг юришмайди, деган тоифа пайдо бўлмас эди, балким. Агар болаликдан ҳуқуқий билими шаклланганда эди, кимлардир (деярли 40-50 ёшдаги айрим раҳбарлар) ўз халқининг бир вакили бўлган инсонларни, оддий одамларни кунлаб сарсон қилмасди, деган аччиқ ҳақиқат бонг урмасди бугун. Агар болаликдан ҳуқуқий маданият ниҳоли экилганда эди, хўжайин айтдики тўғри, деб ўзининг тўраси айтган топшириқни кўзини чирт юмиб қонунга хилоф ҳолда бажаришга шай, курси қўлларининг тоифаси шаклланмасди, тимсоҳ ҳам учади, раҳбарим айтгандан кейин учади-да, пастлаб учса ҳам учади-да, деб мартабагинасини асраш пайида бўлган олчоқ гуруҳ пайдо бўлмас эди. Мартаба илинжида ота-онасини ҳам пуллаб юборишга шай гумроҳларни кўрмадикми? Йўқмиди, шундай кимсалар?!

Кези келди, айтай. Бундан беш-олти йил илгари “Заминдан олис кетма”, деган драма ёздик. Миллий театримиз сахналаштирди. Дов-дарахтларни кесиб пуллайдиган, дарёларимиз, анҳорларимиз устига дача-ю сауна, ҳатто оғилхоналар қуриб оқар сувни булгагучи зараркунанда кимсалар ҳақида эди. Ишонасизми, ўша пайтдаги Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раҳбарига бир неча бор телефон қилдик, келиб кўринглар, деб. Қаерда, масъул идоранинг бирор бир катта раҳбари шу театрга кирмади. Ҳозир ҳам спектакль сахнада. Лекин...

Биз шу даражага келиб қолдик. Агар бола боғчадан ҳуқуқий маданият сабоғи билан улғайса... Эй-эй, нимасини айтай, гап кўп, бу ёғини ўзингиз давом эттираверинг, энди...

Хуллас, Президентимизнинг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизimini тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони даврининг ярасига малҳам бўладиган, келажак авлоднинг чинакам инсон бўлиб улғайишида аҳамияти чексиз, тарихий ҳужжат бўлди. Энди чинакам ватанпарварлар шу йўлда, Президентимиз атрофида қаттиқ жипслашиши керак.

Ўз мухбиримиз



Бола қалби тиниқ бўлади. Тарбия эса унга тушадиган ҳикмат уруғидир. Демак, шу тиниқ қалбга нимани эксак, шуни оламиз.

Ахир, ҳамма ҳам биз яхши болаларни тарбияламоқчимиз, дейди-ку. Ёвузлик, ёмонликни ҳеч бир жамият ўз авлодига раво кўрмайди — агар инсонпарвар жамият бўлса...

Тарбия ўчоқларидан, энг муҳими — бу ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарбиядир.

Болага боғчадан ҳуқуқий тарбия бериш керак, деган гоё илгари сурилаяпти. Демак, тиниқ ва беғубор қалбга ҳуқуқий маданият уругини қадамоқ керак, дегани бу. Яъни, бола боғчадаёқ билиб боради: Нима яхши, нима ёмон? Нима мумкин, нима мумкинмас? Яъни, оқ-қорани боғчадаёқ танийди. Ҳуқуқий маданиятнинг яна бир томони инсонга ўз хатти-ҳаракати, қилмишлари оқибатидан ҳам сабоқ беради. Чунки бу ишни қилсам натижада шундай жазо ҳам кутиб турибди, деган

Президентимизнинг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.


ФАРМОНДА:

Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантиришга ҳам эътибор қаратилди.

БУЮК ТАРБИЯ оддийликдан бошланади

ИНСОН таълим-тарбияси, энг аввало, оиладан бошланади. Жазоки ўғил-қизларимиз онгига нима яхши-ю, нима ёмон, деган тушунчаларни, ҳаром ва ҳалолнинг фарқи ҳаётларини, гуноҳ ва савобнинг ажримини кундалик ҳаётда аста-секин сингдира боришни комиллик деб ҳисоблаш, дейиш мумкин. Ота-боболаримиз, моларимизнинг ҳозирда унутилаётган ўғирлик қилма, таъмагир бўлма, бировга қаттиқ гапирма, катталарни ҳурмат қил, сувга ту-пурма, ёлғон гапирма, “ёмон бўлади”, деган оддий, аммо таъсирчан ўғитлари айни бугунги кундаги таълим-тарбия жараёнида жуда зарур. Шу биргина “ёмон бўлади”, деган сўз замиридаги ёмонликнинг ёмон оқибатларини ҳам бола тушуниб етиши лозим.

Болалар бочаси тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчилари учун коррупция аталмиш порахўрлик, таъмагирлик иллатларига қарши курашга оид дарсликлар, қўлланма ва рисоаларни кўпайтириш зарурияти юзга келди. Бу китобчаларда мав-



зуга оид ривоятлар, ҳаётий мисоллар, халқ мақоллари ва Ҳадиси Шарифда келтирилган ҳикматли сўзларни рангли тасвирлар билан келтириш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда эътироф этиш жоизки, бола қалбига эзгулик уруғларини ундириш, фарзандларимизни ҳар томонлама ҳалол, тўғриси, элу юрт қорига ярайдиган мард, ватанпарвар инсон қилиб тарбиялашда миллий қадриятларимиз муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан болаларга

аталган коррупцияга қарши курашга бағишланган турли ҳажмдаги китобчаларда Ҳадиси Шарифда битилган ҳикматли сўзлар, Ал-Бухорий, Фихривоний, Аҳмад Яссавий каби му-борак зотларнинг босиб ўтган ҳаёт йўллари ва ўғитларини ибратомуз тарзда қисқа, болаларга тушунарли тилда бериш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Фарида ҚОРАҚҮЛОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

ФАРМОНДА:

...ҳар бир фуқарода давлат раҳбарлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтиришга ҳам эътибор қаратилди.

ИНСОННИ ҒУРУР АСРАЙДИ

ДАРҲАҚИҚАТ, бизнинг ўзлигимизни, ўзбеклигимизни англатувчи тушунча — бу давлатимиз раҳбаридир. Ҳар бир давлат раҳбари шу давлатдаги миллат номи билан ҳамоҳанг бўлади. Мустақил ва оқилол юртининг асл белгиси ҳам раҳбардир. Байроқ, герб ва мадҳия. Уларда қандайдан-қандай ота-боболаримизнинг юрт ва ватан учун бахшида жони, бугунимизгача босиб ўтган шонли қадамлари ифода этилган. Наздимда, ҳар бир инсон сув, ҳаво, нонсиз яшай олмаганидай, ҳар бир давлатнинг ҳаёт куввати ҳам унинг байроғи, герби ва мадҳиясидир.

Ҳар мавсумда жаҳон миқёсида турли хил соҳа бўйича мусобақа бўлади. Айниқса, спорт ва санъат юртини танитадиган соҳалардан ҳисобланади. Ушбу соҳалар бўйича жуда кўплаб ҳамюртларимиз голиблик шохсупаси учун курашиб, биринчилиқни қўлга киритганида энг ҳаяжонли дақиқалар кечади. Ўзга юртда бизнинг байроғимиз баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграйди. Ушанда уларнинг ғурур ва ифтихор билан қараб турган кўзларига назар солганимизда, юракларимиз тўлқинланиб кетади. Ҳаёлимиздан баъзида шулар тенги айрим ёшларнинг номақбул бўлган хатти-ҳаракатлари ҳам ўтади. Балки улар ҳам оқ ва қорани, ватанга бўлган ҳурматни вақтида илғай олганида юртининг суюкли фарзандлари қаторидан ўрин олган бўларди. Давлат раҳбарлари ҳар бир инсоннинг ички бутунлигини асрагуви, жасоратта ундоғчи, ғурур туйғусини аланга олдирувчи қудрат тимсолидир. Фармонда ҳар биримизнинг юрагимизда ана шундай куч-қудрат етилишига эътибор қаратилди.

Сиз-чи, азиз газетхон? Сиз ҳам она замининг ардоқлашдек, ҳар гал тасодифи ёки одатий ҳолдамини ватанимиз раҳбарига кўзингиз тушганида, кўлингизга ушлаганингизда, кўнглиздан қандайдир ҳис-ҳаяжон ўтадими? Демак, сиз юртга, халқимизга бегона одам эмассиз...

Гулҳаё НУРМЕТОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

ФАРМОНДА:

Бир ой муддатда маҳаллаларда фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида тизимли равишда амалга ошириладиган “Ҳуқуқий ахборот кўни” лойиҳасини жорий этишга эътибор қаратилмоқда.

ОҚСОҚОЛНИ ТАНИЙСИЗМИ?



ЯҚИНДА “KUN.UZ” сайтида Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси ўртасида вилоят ҳокимини таниш ёки танимаслиги тўғрисида сўровнома ўтказилганлиги тўғрисидаги видеоролиқни кўриб қолдим. Унда ижтимоий тармоқ вакили қўлга вилоят ҳокимининг суратини олиб олдиқдан чиққан одамга суратни кўрсатиб, кимлигини сўрайди, кимдир таниди, кимдир эса суратдаги шахс кимлигини билмасдан елка қисганига гувоҳ бўлдим.

Видеоролиқни кўриб ҳаёлимга келгани шу бўлдики, юқоридаги жараёни маҳалла оқсоқолига нисбатан кўплаб кўрса, қандай бўлар экан? Ўзи яшаётган маҳал-

ла оқсоқолини танимаган фуқароларнинг борлигига ишонасизми? Ишонмай иложингиз йўқ. Бу айни ҳақиқат.

Буни узоқдан эмас, ўзим истиқомат қилаётган маҳалла миқёсида айтадиган бўлсам, мен ҳам маҳалламиз оқсоқолини танимайман. Ишим тушиб маҳалла идорасига икки-уч марта бордим, у ерда фақат маҳалла котибини учратдим. Ёки қарийб 4-5 йилдирки маҳалла оқсоқолининг фуқароларни йиғиб у ишни қилайлик, бу ишни қилайлик, деган ташаббусини кўрмадим.

Ўтган ҳафта 9 январь кунин Президентимизнинг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Фармонда айтилишича, маҳаллаларда фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида “Ҳуқуқий ахборот кўни” лойиҳасини жорий этиш белгиланган.

Тўғри, бу лойиҳани амалга ошириш асосан Адлия вазирлигининг зиммасига тушди. Лекин маҳаллаларда “Ҳуқуқий ахборот кўни”ни ўтказишда Адлия вазирлиги кимга таянади, албатта, биринчи навбатда маҳалла фаолларига. Шундай экан, ташаббус аслида четдан эмас,

энг аввало, маҳалланинг ўзидан чиқиши лозим. Бунинг учун эса маҳалла фаоллари ва фуқаролар ўртасида амалий ва бардавомли ҳамкорлик бўлиши шарт.

Халқимиз маҳаллани тарбия ўчоғи, дея таърифлаган. Бу бежиз эмас, чунки инсон туғилганидан то умрининг охирига қадар ўзи истиқомат қилаётган маҳалла билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлади. Яхши-ёмон кунда елкадош бўладигани ҳам маҳалла. Миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз шаклланиб сайқал топадиган жой ҳам шу маскан эмасми?

Президентимизнинг юқоридаги Фармонини ўқиган ёки кўриб-эшитган маҳалла фаоллари ҳам бугун бир хулосага келди, деб ўйлайман. Маҳаллаларда “Ҳуқуқий ахборот кўни”ни тўғри йўлга қўйиш ва бунга маҳалладаги барча фуқароларни жалб қилиш бу, энг аввало, маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олишга, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юксалишига хизмат қилади.

Бу ишларни амалга оширишда эса четдан туриб кузатувчи эмас, балки бевосита иштирокчи бўлишимиз инсоний бурчимиздир. Аслида ҳуқуқий маданиятимизнинг юксалиши ҳам шундан бошланади!

Ёрбек ИСКАНДАРОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

ТАКЛИФ

Ҳар бир
маҳаллага
газетамиз
етиб борса



АЙНИ пайтда аҳолининг йиғилиб қолган саволларига ўз вақтида, яъни белгиланган аниқ бир кунда жавоб бериш учун ҳуқуқий қўлланма қаторида газета хизматидадан фойдаланиш зарурдек, назаримизда. Дейлик, аҳоли мутасаддилар томонидан берилган ҳуқуқий маслаҳатларни, маълумотларни мазмун-моҳиятини чегаралаб қўйилган маълум бир вақтлар ораллиғида тўлалигича эшитиб, англаб улгурмас. Аммо хонадонига беиннат кириб келган газета орқали кўплаб ҳуқуқий саволларга жавоб олишлари баробарида жамиятимиз ҳаётидаги янгиликлардан, қонунчиликдаги ўзгаришлардан ўзлари қаторида оила аъзоларини ҳам бирдек баҳраманд қилади.

Фармонда Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий қўлланмалар тайёрланиб аҳолига бепул тарқатилиши кўрсатилган. Шу ўринда, юқоридагиларга қўшимча тариқасида ҳуқуқий газеталар ҳам ҳеч бўлмаганда маҳалла идораларига кириб борса, маҳалла фаолларининг фуқаролар билан мулоқотида мазкур нашрлардан фойдаланса нур устига аъло нур бўлар эди. Бунинг учун тарбиёт тadbирларида самарасиз тарқатилган сарф-ҳаражатлардан фарқи ўлароқ, соҳанинг бу борага йўналтирилган маблағини газета обунасига ҳам қаратиш, унинг ҳолис ва беназир қадами ҳар бир маҳаллага кириб боришини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Гулсум ШОДИЕВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

“ЧАЙҚОВЧИЛИК” тадбиркорлик...ми ёки дефляцияга қаршилик?!..

БУГУН дунё миқёсида аҳолининг кескин ошиб бораётганлиги, қолаверса, майда давлатлар иқтисодиётининг ўсиши натижасида уларда истеъмол товарлари, қурилиш ва саноат маҳсулотларига бўлган талабнинг том маънода ортаётганлиги жаҳон савдо муносабатларида нархларнинг юқорилаб кетишига сабаб бўлмоқда. Албатта, бу глобал миқёсда иқтисодий вазият билан bogлиқ бўлган унсур эса-да, ўзининг акс таъсирини Ўзбекистон бозор шароитида ҳам намоён этаётти. Бундай ҳолат, аввало, ҳар бир бозор муҳитида инфляция даражасини ошираёттир. Дефляцияни эса “орзу қилиш мумкин” бўлиб қолмоқда!..



БОЗОР МАДАНИЯТИ

...Кунларнинг бирида эрта-лабдан бозор қилишимга тўғри келиб қолди. Олувчию сотувчи ҳарна камроқ экан. Керакли нарсамни харид қилдим уй-йўла-кай бир-икки кило мева-чева олмоқчи бўлдим. Нархлари билан қизиқдим. Уловларнинг ортида қоп-қоп мева-сабзавот... Ўзи шундоғам қўлим банд — мевани қаеримга кўтариб кетаман? Кейин оларман, деган ўйда бозордан чиқиб жўнадим. Сўзим сўз бўлди. Шу кун тушдан кейин яна бозорга тушадиган бўлдим. Ажабо, беш-олти соат илгариги нархлар йўқ — “учган”. Бундай қарасам, эрталабки сотувчиларнинг ҳам қораси кўринмайди. Уларнинг молини чекка-чеккада турнақатор бўлиб олган ўнлаб чайқовчи-олибсотарлар “май-далаб” сотаяпти. Ўғри бўл... Инсоф билан-да!..

Чайқовчилик... бозордаги

нарх мувозанатининг бузилишига сабаб бўлиши билан хатарли. Албатта, бунинг фойдали томони ҳам йўқ эмас, бироқ каттароқ доирадаги олди-сотди муносабатларидагина намоён бўлиши мумкин. Яъни, йирик чайқовчилик муносабатлари натижасида бозорда маҳсулот қадрсизланишининг олди олинishi мумкин. Аммо мен йирик биржа савдолари — нефть, кўмир, ёнги технологиялар бозори ҳақида эмас, шунчаки, Ўзбекистон шароитида эътиборга молиқ истеъмол товарлари бозоридаги чайқовчилик ҳаракатларининг оқибатлари ҳақида тўхталмоқчиман. Биринчи навбатда, жорий савол ва унинг жавоби хусусида ўйлашиб кўрсак. Демак, чайқовчилик ҳам тадбиркорликми? Ҳа, бу ҳам тадбиркорликнинг бир кўриниши, аммо камчиликнинг фойдаси учун ишлаши билан,

ҳақиқий тадбиркорликка асло ета олмайди. Бу “олибсотар”нинг чўнтагигагина даромад, бошқалар учун эса фойда эмас, зарар келтиради. Яъни, чайқовчилар ўз-ўзидан “қўлма-қўл” ўтаётган маҳсулотни харид қилиб, унинг таннарихини кескин ошириб юборадилар. Натижада қимматчилик бўлади. Чайқовчилик навбатда дефляция — инфляциянинг пасайишига йўл қўймайди. Ўйлаб қоламан, бизнинг бозорларимизда чайқовчиларнинг улуши шунчалик баландки, йил бўйи қийналиб маҳсулот етиштиргандан кўра, уни олиб-сотishi афзалроқ эканлигини идрок қиласан киши. Ҳа, шу “майда” ҳолат ҳам давлат иқтисодиётини белгилаб бериши мумкин. Бунга эса, эътиборсиз қараб бўлмайди, менимча. Дунёнинг турли нуқталарида оламшумул ишлари билан миллиардлаб доллар даромад кўраётган, энг муҳими, минг-минглаб кишиларнинг ишли бўлишига туртки бўлаётган иш одамларини кўриб, бизнинг чайқовчи-

Чайқовчилар ўз-ўзидан “қўлма-қўл” ўтаётган маҳсулотни харид қилиб, унинг таннарихини кескин ошириб юборадилар. Натижада қимматчилик юзага чиқади.

ларимизнинг ҳаракатларидан ранжийман. Булар пул топишнинг осон томонига ўтиб, аслан “ўз оёғига” болта ураётганлигини билса эди!.. Бу борада ҳам миллий иқтисодиётимизга — бозоримизга ислохотлар зарур. Инфляция инсон учун энг зарур неъматларнинг тақчиллиги натижасида юзага келади (Табий, бошқа омиллар ҳам бор). Маълум пишиқ ўйланган режа-

лар орқали бу йўналишда яхлит тизим яратишнинг имкони бор. Масалан, таннарих изчил ошиб бораётган товар-маҳсулотларнинг асл таннарихи билан жорий этиладиган алоҳида платформалар яратиш мумкиндир. Бунда мавжуд товар-маҳсулотларнинг “қўлма-қўл” бўлишини назоратга олган ҳолда, “етиштирувчи ва харидор” тизимли режасини амалга ошириш яхши натижа беради, менимча.

Бугун жаҳон бозор шароитида “савдо урушлари” даври... Бу урушлар қудратли давлатларнинг иқтисодиётига жиддий зарар етказмаслиги мумкин, аммо ривожланаётган давлатларнинг ўсишига таҳдид бўлиши бор гап. Ўзбекистон иқтисодиёти ва бозор муҳити ҳам бундай таҳдидлардан ихоталанмаган. Бу хатарларнинг унсурларига қарши биргалашиб мақсадга мувофиқ, Юқоридаги хавфнинг майда кўринишларини-да йўқотишга, янги йўналишлар тағбиғига эътибор қаратиш мақбулроқ кўринади...

“СИНДРОМ” Ваксинага муҳтож ёхуд ҳуқуқ ҳам тарбиядир



ТОМОША МАДАНИЯТИ

ҲУҚУҚИЙ маданиятнинг тадрижи шахсий ҳуқуқ дахлсизлигида эмас, балки жамоат ҳуқуқларинида эътироф этилиш билан ўлчанади, менимча. Ҳар бир давлатнинг қонун-қоидалари ушбу давлатнинг урф-одатлари ва қадриятларидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

...Кунлардан бир кун театрга тушдим. Ўрта қаторлардан бирига жойлашдим. Атрофимда бир гуруҳ нуроний отахон-онахонлар кўр солиб, томошага маҳтал бўлиб туришар, бирлари бўлажак томоша хусусида мулоҳаза юритар, айна палла хушбахт эканликлари юзларидан аёнлашарди. Бундай манзарадан менинг

ҳам кўнглим чоғ бўлди. Токи бир замон томоша бошланиш арафасида атрофимиздаги бўш ўриндиқларни беш-ўн чоғли ёш-яланглар тўлдиришмагунларича... Келишди-ю, “пикир-пикир” кулишни бошлашди. Афтидан, бу ҳол атрофдаги нуронийларнинг-да кайфиятига айил ботди. Бирдан саҳна қоронғилашди. Бир томонда хира нур унди. Туман тарқади. Уст-боши жулдуз актёр-ўйинчи пайдо бўлди. Ҳамма жим. Ўйинчининг сохт-сумбати кулгилимикин, ишқилиб ёшлар унинг устидан очикчасига “қотиб” бошладилар. Ўзларича гап отишдилар. Сабри чидамади, шекилли, нуроний отахонлардан бири бўралаб қолди. Каттиқ-қаттиқ гапирди. Бўлди, деб ўйландим. Қайдам, буларнинг юзлари ҳам сирилиб бўлган экан. Шартта сўздан сўз тўқиди.

— Бу қанақаси бўлди? Ўз тилингга эга чиқа олмасанг-а!.. Истасам гапираман, истасам...

Сўнг бу “сўзамол” шарт ўрнидан турди-ю, театр залидан чиқиб кетди. Унинг ортидан қолганлари ҳам истар-истамас

жойларидан кўзгалдилар...

...Яқин ўтган йиллар давомида жамиятимизда сўз эркинлигига эътибор бир қадар кучайгани ҳақиқат. Интиҳосида кишилар онгида ҳуқуқий саводхонлик даражаси ҳам юксалди. Аммо шахсий ҳуқуқ миллийликка қарши бўлмаслиги зарур. Фанатизм ортидаги ҳаракатлар ақлан ва маданий нуқтаи назар билан қаралганда ўзини оқламайди. Ўзқоридаги каби вазиятлар бунга мисол, менимча. Тарихан шаклланган қадриятлар ҳам аслида маълум бир ҳуқуқий вазифани ўтайди. Ота-онага, ака-опага, қариндош-уруғ ва ёши улуг ёт-бегонага ҳурмат қабилиқ шулар қаторида.

Аммо инсониятнинг умумий марказлашиши натижасида вужудга келаётган ёт унсурлар аслиятимизни, ўзгиримизни изчиллик билан кемириб бораётгани ажаб ҳол. Шу ўринда ҳуқуқий маданиятнинг ўзбошимчалик билан ўзаро қоғишиши юқоридаги каби ҳолатларнинг урчишига сабаб бўлаётгани таассуфли.

Бундан келиб чиқадики, киши онг-шуурида, юрагиде аслиятнинг йўқолиши ҳуқуқий маданиятнинг айрим кўринишларини ҳам буткул ноубуд қилади. Бу “синдром”га қарши ягона вакцина ҳар бир шахс ўзлигини асраб-авайлашидир. Бунинг учун эса юксак фикр ва инсоний хислатларга содиқлик туйғуси бир-бирига уйғун бўлиши мақсадга мувофиқ... Фикр қилайлик...

ЎТГАН ҲАФТАДА ҚОНУНЧИЛИҚДА ТАЛАЙ ЎЗГАРИШЛАР РЎЙ БЕРДИ

Уларнинг айримлари билан сизларни саҳифамиз орқали таништирамиз:

ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШГА РУХСАТ БЕРИЛДИ

2019 йил 10 январда "Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилинди. Фармонда айтилишича, йирик қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳар посёлкаларига айлантириш бўйича қўрилган чора-тадбирларга қарамаздан, бугунги урбанизация даражаси шаҳарларни комплекс ривожлантириш бўйича замонавий талабларга жавоб бериш ва жаҳон тенденцияларидан сезиларли даражада орқада қолмоқда. Бунда урбанизация даражаси ханузгача барқарор хусусиятга эга эмас.

Шу сабаб 2019 йил 1 июлдан мамлакатимизда шундай тартиб амал қилади:

- юридик шахслар бино ва иншоотлари, саноат инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқига эга;
- жисмоний шахслар якка тартибда уй-жой қуриш ва тураржойга хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқига эга;
- хусусийлаштириш жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан амалга оширилади;
- жисмоний ва юридик шахслар томо-



нидан хусусийлаштирилган ер участкалари хусусий мулк ҳисобланади ва дахлсиздир;

• ер участкаларини хусусийлаштириш фақатгина кадастр ҳужжатлари мавжуд бўлган ҳолда ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорларда пуллик асосда амалга оширилади. Энди йирик шаҳарларга туташ аҳоли пунктлари инвентаризациядан ўзтақзилади ва амалга оширилган ишлар натижаларига кўра 2019 йил 1 ноябргача ўрта муздاتли даврда йўлдош-шаҳарларга айлантириладиган аҳоли пунктлари рўйхати шакллантирилади.

ЭНДИ ПЕНСИОНЕРЛАР НОТАРИУСГА БОРГАНДА ҚЎШИМЧА ТЎЛОВЛАР ТЎЛАМАЙДИ



Адлия вазирлигининг хабар беришича, 2019 йилнинг 10 январидан бошлаб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳамда айрим ташкилотлар нотариусга мурожаат қилганда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинди. Президентимиз томонидан 2019 йилни "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили", деб эълон қилиниши муносабати билан Адлия вазирлиги жорий йил 9 январь кuni тегишли буйруқни имзолади. Унга кўра бундан буён нафақадаги шахс пенсия пулларини олиш учун ишончнома берганда нотариуслар томонидан ҳеч қандай тўловлар ундирилмайди. Шу кунгача давлат ҳокимияти шахс пенсия пулларини олиш учун бирор шахсга ишончнома берганда нотариуслар томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи, яъни

30 409 сўм миқдорда пуллик хизмат ундирилган эди.

Шунингдек, нотариал хизматлар учун тўланадиган тўловлардан озод қилинадиган шахслар тоифалари ва ташкилотларга ҳам аниқлик киритилди.

ИШГА КИРИШДА ПРОПИСКА ТАЛАБ ҚИЛИНМАЙДИ



"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Унга кўра эндиликда ишга қабул қилишда прописка талаб қилинмайди.

Бу борада Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Меҳнат кодексига тегишли ўзгаришлар киритилди. Илгари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра вақтинча ёки доимий пропискасиз яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилганлик учун иш берувчи маъмурий жавобгарликка тортилар эди. Эндиликда бу ҳолатга асос бўлувчи 223²-модда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан чиқариб ташланди.

ФАҚАТ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИНИ ТУГАТГАНЛАРГИНА СУДЬЯ БЎЛА ОЛАДИ

2019 йил 6 январда қабул қилинган "Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари



тўғрисида"даги Президент Қарорига кўра 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат Судьялар олий мактабини муваффақиятли тамомлаганларгина судьялик лавозимига тайинланади.

Шу кунгача судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлашнинг амалдаги тартиби самара бермади, қолаверса, судьяликка номзодларнинг стажировка ўташи асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда ташкил этилди. Эскирган ўқув-услул жараён эса ҳуқуқни қўллаш амалиётидан мутлақо узилиб қолган эди. Янги Қарорга мувофиқ мазкур курсларга қабул қилинган судьялик лавозимига номзодлар асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод қилинади, бироқ уларнинг эгаллаган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланади. Курслар тингловчилари судья ёрдамчисининг бир ойлик маоши миқдорда стипендия билан таъминланади. Бу билимни ва одил судьялар тайёрлашнинг энг тўғри ва замонавий йўли сифатида қаралмоқда.

Судьялар олий мактабига судьялик лавозимларига номзодларни қабул қилиш 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб фақат судьялик лавозими захирасида бўлган шахслар орасидан танлов асосида Судьялар олий кенгаши томонидан Олий суд билан биргаликда белгиланадиган квоталар бўйича амалга оширилади.

Судьяларни ўқитиш грант асосида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга оширилади. Бу тартиб шу йил 10 январдан жорий этилади.

"Инсон ва қонун" мухбири Мадҳия АБАЗОВА тайёрлади.

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

Мен чўққига интиламман,
менинг ортимда ҳам қанча одамлар бор...



Анавинақа қимматбаҳо эмас, "Тико" бўлса ҳам жон дердим!

Қолган аёллар ҳам олам-жаҳонни ловуллайтиб турган хонимни ҳавасу ҳасад аралаш муҳокама қилиб, орзуларга берилиб туришарди... Сал нарироқда эса уларга ҳам ҳавас билан қараётган бир кимс бор эди:

— Эй Танграм, агар, тўрт мучам соғ бўлиб ишга яраганимда болаларимни тиланчилик қилмасдан боқардим.

ҲАЁТ — БУЮК САЁҲАТ

Бир қишлоқда бир чол яшаган экан. У жуда камбағал бўлса-да, бисотидаги яйқою ягона чоқир отига хатто подшоҳлар ҳам ҳавас қилишар экан. Оти учун жуда кўп пул тақлиф қилишса ҳам у сотмас экан. Чол: "Бу менга нафақат от, балки дўстим. Дўстни қандай сотаман?", дер экан.

Аммо бир кун эрта билан от боғланган жойидан гўйиб бўлибди. Бутун маҳалла йиғилиб чолни терғай бошлашди: "Эҳ, аҳмоқ чол, — дейишди унга. — Отни бир кун и ўғирлаб кетишларини билардик. Сотганимда яхши

эмасмиди? Қандай омадсизлик!" Чол деди: — Менинг отимни ўғирлашдики ёки ўзи кетдики, билмайман. Бу воқеа ҳам омад ёки омадсизлик экани ҳаммамизга қоронгу. Оқибати Аллоҳга аён.

Халойиқ унинг устидан қулиб, мазоҳ қилиб тарқалди. Қишлоқ аҳли чолни аввалдан сал соддароқ, деган фикрда эдилар. Бироқ ўн беш кун ўтиб қутилмаганда от қайтиб келди. Қайтиб келганда ҳам ўзи билан бирга тўртта тоини эргаштириб келди. Одамлар яна тўпланиб: — Эй, чол, сен ҳақ экансан, бу омадсизлик эмас, бахт экан, — дейишди. Чол яна: — Отим йўқолганда, яна пайдо бўлди. Бу бахт ёки бахтсизлигини ҳеч биримиз билмаймиз. Сиз гапдаги биргина сўзини ўқиб, бутун китобнинг мазмунини била олмайсиз-ку! — деди.

Лекин одамлар яна "Чол ноҳақ, ахир, унинг отлари кўпайди-ку", деб ўйладилар. Чолнинг ёлғиз ўғли тойларни минишга ўргана туриб, отдан йиқилди ва оёғи синди. Халқ: — Ана, омадсизлик! Сенинг ёлғиз ўғлинг оёғи синиб, бетоб бўлди.

Ундан кўра отни сотганимда ҳеч бўлмаганда, пуллик бўлиб қолардинг, — дейишди. Бу сафар ҳам чол уларга қараб: — Сизлар ҳукм чиқаришга шошилманглар. Мен ўғлимнинг оёғи синганини биламан, аммо бунинг ҳам омад ёки омадсизлигини Аллоҳдан бошқаси билмайди, — деди.

Орадан бир неча кун ўтиб, мамлакатда уруш бошланди-ю, ҳамма ёшларни ҳарбий чақирувга олиб кета бошладилар. Фақат чолнинг ўғли оёғи сабабли урушга бормади. Халойиқ урушда мағлуб бўлганларни ва кўпчилик урушга кетганлар ҳалок бўлганларини кўриб, чол ҳузурига келдилар ва йиғлаб: — Сен ҳақ экансан, ўғлингнинг чўлоқлиги бахт экан. Мана, у сен билан бирга, бизнинг болаларимиз эса қайтиб келишмайди, — деб нола қилишди.

Чол яна ўша гапларини такрорлади: — Сизларга шунча гапларим бекор бўлган қўринади. Ҳеч ким бир воқеанинг ортидан қандай ҳодиса содир бўлишини билмайди. Шошилиб ҳукм чиқариш онгнинг қотиб қолишидан дарак. Бир ҳодисанинг ортидан бошқаси келади, бир қисм тугаб бошқаси бошланади, бир эшик ёпилиб, бошқаси очилади. Сиз бир чўққига чиқсангиз, ундан-да баландроғи қўринади. Ҳаёт — буюк саёҳатдир!

Интернет материаллари асосида "Инсон ва қонун" мухбири Гулҳаё НУРМЕТОВА тайёрлади.

МАРДИКОР бозорига кундалик иш қидириб чиққан бир ғуруҳ аёллар сал нарироқда басавлат эри билан гаплашиб турган бой-вачча хонимга ҳаваслари келди: — Ҳааа... — чўзилиб хўрсинди улардан бири, — агар мени ҳам шунақа эрим бўлганида, ўн баробар очилиб кетардим. Эшақдек ишлаганим билан эр-как кишининг топгани бўлак! — Тўғри, — хўрсинди бошқаси, — палтосини қаранг! Шундай чиройли кийимларим бўлса, устимдаги манави увадаларни


ёқиб, қироличалардек юрардим! — Менда унинг тилла тақинчоллари бўлса, йўқ демасдинг! — деди учинчиси, — икки донасини қизларимга олиб қўйиб, қолганини сотардим. Пулига бир йиллик озиқ-овқатни гаплаб, уйда мазза қилиб ўтирардим.

Яна бир аёлнинг ҳаёли бой-вуччанинг қирмизи рангдаги уловига эди:

— Мен, — деди у ширин энтикиб, — машинам бўлишини орзу қиламан. Тиқилинч автобусларда юриш жонимга тегди!

Тўғридан-тўғри ИНВЕСТИЦИЯ НИМА?

АНТЕННАГА НИМАДИР БЎЛДИ-Ю, ВИДЕОСЕЛЕКТОРНИ ЭШИТОЛМАЙ ҚОЛДИМ



Видеоселекторда муҳим топшириқлар берилди

— Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар — бу халқаро инвестиция фаолиятидир. Уни капитални жойлаштириш шакли деб тушуниш керак ва у инвесторни қимматли қозғоларга ёки мулкка бўлган бевосита ҳуқуқидан далолат беради. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бир давлат ёки унинг қорхона, ташкилотлари томонидан бошқа бир давлат иқтисодиётига жойлаштирилади. Бир сўз билан айтганда, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар орқали мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланади, давлат ҳар томондан ўз қаддини тутати. Тасаввур қилинг, хориждан бизнинг юртимизда бизнес юритиш учун пул оқиб киради, бизнесмен ўз фондасини олиб кетаверади, пул айланмаси орқали эса юртимиз иқтисодиёти рағбат топиб бораверади. Инвестиция жалб этиш натижасида янги қорхоналар бунёд этилади, мавжудларини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуради, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқарилади, бу, ўз навбатида, янги иш ўринлари вуқудга келишини таъминлайди.

МАЪЛУМОТ УЧУН СИЗГА АЙТИШИМИЗ МУМКИН

2019 йилги Инвестиция дас-турига 16,6 миллиард доллар-лик 3 миндан зиёд лойиҳалар киритилган. Бу 2018 йилдагига нисбатан 16 фоиз кўпдир. Жум-ладан, жорий йилги Инвести-ция дастури доирасида умумий қиймати 3,2 миллиард доллар бўлган 140 та ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топ-шириш режалаштирилган. Жо-рий йилда тўғридан-тўғри хори-жий инвестициялар иштироки-даги 320 та лойиҳа доирасида 4,2 миллиард АҚШ доллари ўз-лаштирилиши кўзда тутилган.

Президентимиз раислигида 8 январь кун жорий йилги ин-вестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ма-салалари бағишланган видео-селектор йиғилишида давлати-миз раҳбари қуйидаги энг муҳим топшириқларни берди. Энди:

тўғридан-тўғри хорижий ин-вестициялар иштирокидаги лой-иҳалар сўзсиз амалга ошири-лади;

чет эллик инвесторларга ҳар томонлама ёрдам бериш ҳуқу-матнинг энг муҳим вазифасига

айланади;

инвестицияларнинг асосий қисмини ўзлаштиришни йилнинг охирига ойларига суриш амали-ётига чек қўйилади, барча тар-моқлар ва ҳудудларда бу жара-ён биринчи ярим йилликда ка-мида 35 фоизга, тўққиз ойликда 70 фоизга етказилади;

йил охирига қадар қўшимча инвестициялар жалб қилиниб, улар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга талаб юқо-ри бўлган соҳа ва ҳудудларга йўналтирилади;

вилоят ҳокимлари ҳар ҳаф-

тада биттадан туман ёки шаҳар-га, тармоқ раҳбарлари вилоят-га бориб, элчилар билан алоқа ўрнатган ҳолда у ерга тўғри-дан-тўғри инвестицияларни жалб қилади;

ҳудудларда инвестиция фо-румлари ташкил этилади;

хорижий инвесторларни қў-лаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилади;

узоқ муддатли, паст фоизли тўғридан-тўғри хорижий кредит ресурслари жалб этилади.

Тахририят



— МЕН Сўрхондарё вилояти Бойсун тумани Деҳиболо қишлоғида яшайман. Бизнинг хонадонларга интернет-нинг симлари ҳали кириб бормаган. Шу сабаб кўпинча омманинг оғзида шов-шув бўладиган маълумотлардан беҳабар қоламиз ва шаҳарга тушганимизда турли ян-гилликларни эшитиб, ҳанг-манг бўлиб тураверамиз. Он-да-сонда телевизор қўриб, радио эшитамиз.

Мамлакатимиз раҳбари олиб бораётган одилона си-ёсат борасида унча-мунча хабардор бўлиб тураман ва қувониб кетаман. Амалга оширилаётган катта лойиҳа-лар, йиғилиш, анжуманлар ҳақида биз томонларга тўлиқ ахборот өтиб келмаса-да, иқтисодиётни ривожланти-риш учун Президентимиз жон қўйдираётганлигини се-зиб турибман. Кун кеча радио орқали мамлакатга ин-вестициялар киритиш бўйича ўтказилган видеоселек-торни эштаётгандим. Унда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масаласи кўтарилди. Шу пайт антеннага нимадир бўлди-ю, радио шигиллаб қолди. Илтимос, тўғридан-тўғри хорижий ин-вестиция эканлиги, иқтисодий аҳолисимизни кўта-риш учун Президентимиз нималар дегани ҳақида ба-тафсилроқ айтиб берсангиз. Қишлоғимизга замонавий тармоғу қурилмалар келмасаям, почтаци ҳар замонда келиб туради. Газетангизга обуна бўлганман. Жавобин-гизни кутиб қолам.

Ҳожимурод БЕРДИЕВ,
Деҳиболо қишлоғи

қилмиш

Нашанинг хумори “НАШЪА” қилганда...

ТУШ пайти эди. Шомурод сўрида ўтирар, укаси Ҳомид-бой томорқада тимирски-ланиб юрарди. Шомурод — пайвандчи, уйдан эрта чиқиб, кеч қайтади. Уйнинг кори у-каси Ҳомидбойнинг қўлида. Бир пайт дарвоза тақиллади.

— Ҳомид, — деди Шому-род, — қара, кимдир келди.

Ҳомидбой юргилиб дар-возага ошди. Остонада ИИБ ходимларини қўрди-ю, ўтакаси ёрилаёзди...

...Кўп йиллар бурун ҳўжа-ликнинг четдаги пайкалда қаровсиз нашапон унганди. Ўша кезлар Ҳомидбой йўл-йўлакай шу нашапоннинг барг-уруғидан чимдиб-чимдиб, хумори тутган-да чекиш учун гугурт қутига ғам-лаб, молхонасининг бир бурчи-га яшириб қўйганди. Орадан йиллар ўтдики, наша ғамланган гугурт қўти Ҳомидбойнинг ёди-дан кўтарилди. Вақт илдамла-ди. Бир замон Ҳомидбой илкис қутига пеш чиқиб қолди-ю банги қайта “нашъа” қилди. Томорқа-сида ўсган анорзор оралатиб наша уруғини сепкилади. Уруғ ниш уриб, кўзга кўринарли бўл-ди. Ҳомидбой чўчидими, ҳай-товур, бир неча наша қўчтал-рини юқлилаб, бир донасини қолдирди. Обдон парваришла-ди. Уйдагилардан яширди. На ота-онаси, на акаси, на янғиси ва на хотини билди. То кун келиб Ҳомидбойни “йўқлаб” кел-магунларича...

...Ҳомидбой афсус чекди — қилмишининг оқибати шу бўл-ди. Айбини тан олди. Жазоси енгиллашди-ю, лекин яхшигина жарима тўлайдиган бўлди...

Б.ВОХОБОВ,
жиноят ишлари бўйича
Қува туман суди раиси


ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТЛАРИНИ ҚИЙНАЁТГАН МУАММО

У бартараф бўлиши мумкин

ЖУРНАЛИСТЛАРИМИЗНИ бир муаммо қийнайди. Бу айрим давлат органларининг очиқ эмаслиги, оммавий ахборот воситала-ри билан идора ва ташкилотлар ўртасида самимий, одилона муносабатнинг йўқлиги. Албатта, яқин йилларда журналистларга барча муаммоларни ошқора ёритиши, халқ ичига кириб унинг дardини олиб чиқиши, қўрқмасдан ҳар бир идора эшигини қоқи-ши, шахсий дахлсизлик ва қонун билан қўриқланадиган бир қанча манфаатлардан мустасно тарзда бошқа жамки мавзулар-га “тил теккизиш”и мумкинлиги, бунга тўла ҳаққи борлиги “эслатилгандан” кейин улар-да анчайин шижоат ва куч пайдо бўлди. Бу-гун мамлакат ҳаётидаги барча масалалар-га нисбатан ўз қарашимиз ва ўз ёндашуви-миз бор. Шу асосда интернет нашрлари, матбуот нашрлари ва телерадио мавзу-ларни ҳолисона ёритмоқдамиз.

Бироқ ҳанузгача ёруғ испохотларга неки бир ҳадик билан қарайдиган, ниманингдир фoш бўлишидан қўрқандай ўз қобиги-га ўралиб, жараёнлар тадрижини тирқиш орасидан қузатиб ўтирганлар ҳам йўқ эмас. Аслида журналист ўз касбига доир фаоли-ятни амалга ошириш чоғида ахборот олиш учун ҳар қандай давлат органлари, қорхо-налар, муассасалар ва ташкилотларга му-рожаат қилишга ҳамда журналист текши-

рувини ўтказишга ҳақли. “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қо-нуннинг 9-моддасига асосан журналист ах-борот тўллаш ва текширув ўтказиш ҳуқуқи-га эга. Шундай бўлса-да, оммавий ахборот воситаларида фаолият юритадиган кўплаб мухбирлар турли идоралар эшигига бор-ганда баъзида тўсиққа учрайди. Не бир вақт билан тегишли жойга кўнғирок қи-лишганида эса “бугун келинг, эрта келинг”, айниқса, “хат билан чиқинг” дейиладиган карсон биринчи галда уларнинг қўлқла-ри остида жаранлайди. Шу аснода турли тадбирларда журналистлар томонидан энг кўп бериладиган савол ҳам “Нега хат талаб қилишди? Хат билан чиқганимизда ҳам вақтида жавоб беришмайди!” ёки “Тезкор замонда идораларга хат билан чиқиши-миз, тагин 7 кун қўтишимиз тўғрисида?” деган талаблардан иборат бўлади. Айни дамда вақти келиб, бу борада ҳам қонунчиликка ўзгариш киритилишига мамлакатимиз журналистлари умид боғлаб туришибди. Бугун эса давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган муҳим бир фармонда ана шу оғриқнинг ечимига қаратилган бир маса-лага эътибор берилди. 2019 йил 9 январда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизими-ни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги



...Адлия давлат органи ва ОАВни боғлайди.

...Демак, журналистлар учун суянч нуқта топилди.

...Эшикдан қувилган мухбирларга нажот бор...ми?

Президент Фармониди Адлия вазирлигида давлат органи билан ОАВни боғлаш вазифа-си юқлатилди. Фармонга мувофиқ, Адлия вазирлиги давлат органлари ва ташкилот-ларнинг ҳуқуқий ахборотдан кенг қўламда фойдаланишини таъминлайди, уларнинг ушбу соҳада фуқаролик жамияти инсти-тутлари ва оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради. Демак, энди журналистлар учун бу борада суянч нуқта топилди. Ҳарқалай, эшикдан қувил-ган мухбирларга энди нажот бор. Қадрли

газетхонлар ва қалам аҳлига маълум қил-моқчимизки, Адлия вазирлигининг ҳуқуқий тарғибот соҳасида бугун оммавий ахборот воситалари билан самарали ва салмоқдор ҳамкорлик қилаётганини эътиборга олсак, бу давлат органи турли ташкилотлар билан журналист алоқаларини мустахкамлаш, бу борада назорат олиб бориш учун ўз ваколати доирасида жиддий киришади.

Мадҳия АВАЗОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

ХОТИНИМНИНГ ДАҒДАҒАЛАРИДАН ХАВОТИРДАМАН



— **ТУРМУШ ўртоғим билан анча вақтдан буён келишмовчиликимиз тўғрисида ажралишга қарор қилдик. Лекин уй-жой, машинамиз хотиним номига расмийлаштирилган эди. Энди у “Булар меники, менинг номимга олинган, сенга бир тийин ҳам бермайман”, деб туриб олган. Уртада битта фарзандимиз бор. “Фарзандимни ҳам бошқа кўрмайсан, сени оталик ҳуқуқидан ҳам маҳрум эттириман”, деб дағдаға қилапти. Шу тўғрисида?**

**Д.ЮЛЧИЕВ,
Гулистон шаҳри**

— Эр-хотиннинг никоҳ давомида ортирган мол-мулкларни ажрим вақтида баравар тақсимланади. Бу ҳолатда эр ёки хотиннинг яққа даъвогарлик қилиши ҳаққи йўқ. Фарзандларга келса, биргина онанинг гап-сўзларига таяниб, оталик ҳуқуқидан маҳрум этилмайди. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 79-моддасида белгиланган ҳолатлар мавжудлиги аниқланса, яъни:

— ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан буйин товласа;

— урсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ихтимойий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;

— ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;

— муттасил ичкиликбозлик ёки гиёвандликка мубтало бўлган бўлса;

— ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Саволга жиноят ишлари бўйича Олмасор туман суди судьяси Мирзиё Абидов жавоб берди.

ЎЛГАН ДЕБ ЎЙЛАГАН ҚАРИНДОШИМИЗ ҚАЙТИБ КЕЛДИ



— **ЯҚИН қариндошимиз анча йиллар олдин хорижий давлатга ишга кетаяпман деб, дом-дараксиз кетган эди. Оиласи уни кута-кута умид бўлмагач, аза очиди. Ундан мерос қолган мол-мулкни фарзандлари тақсимлаб бўлиб олишди. Менга кичик ўғли ўз улушига тушган боғни сотди. Аммо орадан бир йил ўтиб, ўлган, деб тахмин қилинган қариндошимиз қайтиб келди. Ҳозир менга боғимни қайтариб берасан, деб даъволашиб юрбди. Бундай вазиятда қандай йўл тутушимиз керак?**

**Б.РАЗЗОҚОВ,
Ғаллаорол тумани**

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 37-моддасига асосан вафот этган, деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келган ёки унинг қарда туганганлиги маълум бўлган тақдирда, уни вафот этган, деб эълон қилиш ҳақидаги қарор суд томонидан бекор қилинади.

Фуқарони вафот этган, деб эълон қилиш ҳақидаги қарор бекор қилинганидан кейин у ҳар қандай шахсдан бу шахсга бепул ўтиб қолган мавжуд мол-мулкни ўзига қайтариб бериши уни йил мобайнида суд орқали талаб қилишга ҳақли.

Агар вафот этган, деб эълон қилинган фуқаронинг мол-мулкни унинг ворислари томонидан учинчи шахсга сотилган бўлиб, бу шахслар харид нархини фуқаро қайтиб келган пайтгача батамом тўламаган бўлсалар, бу ҳолда тўламаган суммани талаб қилиш ҳуқуқи қайтиб келган фуқарога ўтади.

Вафот этган, деб эълон қилинган фуқаронинг мол-мулкни ҳақ тўлашни назарда тутадиган битимлар асосида олган шахслар мол-мулкни вафот этган, деб эълон қилинган фуқаронинг тирикчилиги билан туриб сотиб олганликлари исботланса, улар фуқарога бу мол-мулкни қайтариб беришлари шарт. Бундай мол-мулкни асли ҳолида қайтариб беришнинг имкони бўлмаса, унинг қиймати тўланади.

Агар вафот этган, деб эълон қилинган шахснинг мол-мулкни мерос ҳуқуқи бўйича давлатга ўтган ва сотиб юборилган бўлса, фуқарони вафот этган, деб эълон қилиш ҳақидаги қарор бекор қилинганидан кейин унга мол-мулкни сотишдан тушган пул қайтариб берилади.

Саволга Юристлар малакасини ошириш маркази тинловчиси Элдор АМИРҲУЛОВ жавоб берди.

САЁҚ ЮРГАН ТАЁҚ ЕЙДИ



— **ҚИШКИ таътил кунлари айрим-айрим вақтда етмаган ёшдаги болалар буш вақтларини беҳуда ўтказиб-ганига гувоҳ бўламиз. Батзиларини ҳатто тунги кўнглилар жойларда ҳам учратиш мумкин. Уларни бу ерларга кечки пайтлари бормаслиги борасида қонунчилигимизда нима дейилган? Бунга риоя этмаслик қандай қоралар қўрилишига сабаб бўлади?**

**Д.ЭШОНОВ,
Қарши шаҳри**

— Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 188-моддасига асосан, ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгли очил (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслари томонидан вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг қўзғатувисиз қўрсатилган муассасаларда бўлишига йўл қўйилмайди. Бунга риоя этмаслик маъмурий жавобгарлик, яъни энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Саволга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими Тошпўлат ТУРСУНОВ жавоб берди.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 16-моддасига асосан “АДОЛАТ БУЙУК ҚАЗИЛАТ” адвокатлик бюроси адвокат бўлган Беғжанова Бағдугул Ҳасановичнинг 2012 йил 19 ноябрдаги ҚР №000144-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришни лицензияси ва адвокатлик масъулиятини амал қилиш Қўрағонлиқ Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 10 декабрдаги 383-ум-сонли буйруғига асосан тугатилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 16-моддасига асосан Жўзах виллоят адлия бошқармасининг 2018 йил 14 декабрдаги 33-А-сонли буйруғига асосан “СЕВИНЧ” адвокатлик хайъати адвокати Саидов Рустам Шайхонбаевич 2018 йил 21 июлда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришни 02 №000158-сонли лицензиянинг амал қилиш ҳақида 2018 йил 8 сентябрда берилган 263-сонли адвокатлик гувоҳномаси ва макорум ўз хошияга қўра тугатилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 16-моддасига асосан Жўзах виллоят адлия бошқармасининг 2018 йил 11 декабрдаги 32-А-сонли буйруғига асосан “АДОЛАТ МЭВОН” адвокатлик бюроси адвокати Азизов Рўхисой Абдунабиевич 2009 йил 4 июнда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришни 02 №000050-сонли лицензиянинг амал қилиш ҳақида 2009 йил 15 июнда берилган 028-сонли адвокатлик гувоҳномаси ва макорум ўз хошияга қўра тугатилди.

Қашқадарь виллоят адлия бошқармасининг 2018 йил 13 декабрдаги буйруғига асосан Қарши шаҳридаги “Маъад масъулият” адвокатлар хайъати адвокати Хайитов Шугулланнинг Қашқадарь виллоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 19 июнда берилган КС 000014-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришни лицензияси ва 24-сонли адвокатлик гувоҳномаси ҳақида адвокатлик макорум адвокатлар хайъатидан чиққан бўлганига муносабати билан адвокат томонидан уш оқдан олмайдиган муддатда бошқа адвокатлик тўғрисида ташқи шугулланган кадрлар ёхуд мақодалар адвокатлик тўғрисидаги бирга қарорига қабул бўлган давлат ҳуқуқидир.

Янгибод туман давлат хизматлари маркази томонидан 2018 йил 23 майда 610687-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатидан олишган “ZAFAR-TEMUR BIZNES” ОЖ (СТПР: 305 563 450) тугатилди.

Асос 3-яъни тугатилди тўғрисидаги 28.11.18 йилдаги 1-сон байномаси.

Кредиторлар ва дебиторлар далолати 2

ой муддат ичида (90) 991-61-23 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман “Ягона дарча” марказида 04.05.2017 йилда 514962 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, 13-маҳалла, 45-йўл, 46-хонадон манзилида давлат рўйхатидан ўтган “TASHKENT MEDICAL CENTRE” масъулияти чекланган жамияти (СТПР 304 874 491) тасъисчисининг 2018 йил 25 декабрдаги йилгилик қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (99) 777-77-77.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман “Ягона дарча” марказида 15.11.2017 йилда 553998 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, 24-маҳалла, Ширин кўчаси, 44 8-йўл манзилида давлат рўйхатидан ўтган “KW STELL SINO” масъулияти чекланган жамияти (СТПР 305 136 736) тасъисчисининг 2018 йил 27 декабрдаги 4-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (99) 897-06-33.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман “Ягона дарча” марказида 21.06.2016 йилда 004007-01 реестр рақами билан қайта давлат рўйхатидан ўтган “ETALON STORY ELIT” масъулияти чекланган жамияти (СТПР 301 716 959) давлат рўйхатидан ўтганлик гувоҳномаси ва штамли йўлқўчилиги сабаб бекор қилинади.

Тел.: (97) 799-77-99.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман “Ягона дарча” марказида 15.01.2016 йилда 007346-01 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, 25-маҳалла, 4-йўл, 38-хонадон манзилида қайта давлат рўйхатидан ўтган “MOHINABEGIM-FAX” масъулияти чекланган жамияти (СТПР 303 386 356) тасъисчисининг 2019 йил 5 январдаги йилгилик байномасига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (99) 973-59-21.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 18.06.2018 йилда 616473 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, А.Мухтор 1-йўл кўчаси, 14-йўл манзилида давлат рўйхатидан ўтган “FAXRIDIDIN OTA FARZAND” хусусий корхонаси (СТПР 305 606 533) ягона тасъисчисининг 2018 йил 25 декабрдаги 3-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (99) 797-77-18.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 24.10.2018 йилда 847632 рўйхат рақами билан давлат рўйхатидан ўтган ягона тартибдаги тадбиркор Махматов Jurat Yusufovichning (СТПР 600 572 371) дуналқ мурхи йўлқўчилиги сабаб бекор қилинади.

Тел.: (97) 421-07-08.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 24.02.2012 йилда 005004-01 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Самарбо-ну 4-йўл кўчаси, 36-йўл манзилида давлат рўйхатидан ўтган “PAPER INVEST PLUS” масъулияти чекланган жамияти (СТПР 302 215 838) ягона тасъисчисининг 2018 йил 25 декабрдаги 2-сонли қарорига асосан тугатилди.

Тел.: (93) 569-62-58.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 02.05.2014 йилда 006489-01 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Ш.Фарҳод 1-йўл кўчаси, 27-йўл манзилида давлат рўйхатидан ўтган “THE BEST COLORS” масъулияти чекланган жамияти (СТПР 302 937 002) ягона тасъисчисининг 2019 йил 4 январдаги қарорига асосан тугатилди.

Тел.: (97) 470-83-83.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 18.07.2018 йилда 823533 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Хондир 2-йўл кўчаси, 15-йўл манзилида давлат рўйхатидан ўтган “ISLOM OMD BUSINESS” масъулияти чекланган жамияти (СТПР 305 660 520) ягона тасъисчисининг 2018 йил 26 декабрдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (90) 994-84-89.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 25.11.2009 йилда 003280-01 реестр рақами билан қайта давлат рўйхатидан ўтган “FARID JAVID” масъулияти чекланган жамиятининг (СТПР 301 090 896) давлат рўйхатидан ўтганлик гувоҳномаси ва йўлқўчилиги сабаб бекор қилинади.

Тел.: (71) 274-74-33.

Хоразм виллоят адлия бошқармасининг 2018 йил 28 декабрдаги 354-ум-сонли буйруғига асосан “Адвокат Фозил Салид” адвокатлик фирмаси адвокати Саидов Хамид Раҳматиллоевичга Хоразм виллоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 10 июнда НЗ 000082 рақам билан берилган

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришни лицензиянинг амал қилиш ҳақида адвокатлик макорум тугатилди.

Тел.: (97) 749-77-77.

Наманган виллоят адлия бошқармаси томонидан адвокат Хусановна Азиза Абдуллажоновнага 2016 йил 11 мартда берилган НА 000215-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришни лицензиянинг амал қилиш ҳақида адвокатлик макорум тугатилди.

Тел.: (93) 533-55-48.

Самарқанд виллоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Самарқанд виллоят адлия бошқармасининг 2018 йил 26 декабрдаги 547-ум-сонли буйруғига асосан “SAMARQAND OQIN USTUVORLIG” адвокатлар хайъати адвокати Абдуллаева Matluba Раҳимовна номига бошқарма томонидан 2009 йил 9 июнда берилган СА 000141-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришни лицензиянинг амал қилиш ва адвокатлик макорум тугатилди.

Тел.: (93) 533-55-48.

Самарқанд виллоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Самарқанд виллоят адлия бошқармасининг 2018 йил 26 декабрдаги 546-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги “SAMARQAND OQIN USTUVORLIG” адвокатлар хайъати адвокати Ниласова Раъно Бахриддиновна вафот этганлиги сабаб бекор қилинади.

Тел.: (93) 533-55-48.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 22.06.2017 йилда 527948 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Байрам кўчаси, 43-йўл манзилида давлат рўйхатидан ўтган “RAYONAXON” масъулияти чекланган жамияти (СТПР 304 957 973) ягона тасъисчисининг 2019 йил 14 январдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (93) 674-30-90, (90) 953-00-15.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман “Ягона дарча” марказида 16.05.2017 йилда 516952 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Иза кўчаси, 97-йўл, 4-хонадон манзилида давлат рўйхатидан ўтган “LIFE WATER” хусусий корхонаси (СТПР 304 893 936) тасъисчисининг 2019 йил 10 январдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (97) 749-77-77.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман “Ягона дарча” марказида 08.09.2014 йилда 0115105 рўйхат рақами билан давлат рўйхатидан ўтган ягона тартибдаги тадбиркор Дўлатов Мухаммад Акмаловичнинг (СТПР 491 443 959) штамли йўлқўчилиги сабаб бекор қилинади.

Тел.: (90) 951-44-43.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 10.12.2018 йилда 883632 рўйхат рақами билан давлат рўйхатидан ўтган ягона тартибдаги тадбиркор Дўлатов Рашид Мажидовичнинг (СТПР 600 333 304) дуналқ мурхи ва штамли йўлқўчилиги сабаб бекор қилинади.

Тел.: (93) 533-55-48.

Адлия вазирлиги жамоаси вазирлиқнинг масъул ходими Мадинабону Насретдиновнага отаси Камолитдин Насретдиновнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.

Тел.: (93) 533-55-48.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси бошқарманинг кадрлар бўлими бошлиғи Шавкатжон Хамроқулловага отаси Салим ХАМРОҚУЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.

Тел.: (93) 533-55-48.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Марказлашган нотариат архиви мудириси Замира Рустомовнага отаси Шавкат ХИДОЯТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.

Тел.: (93) 533-55-48.

Давлат хизматлари Агентлиги Самарқанд виллоят бошқармаси жамоаси Самарқанд шаҳар Давлат хизматлари маркази бош мутахассиси Алжон Юсуповга отаси Мавлуда ЭРҲАШЕВАНING вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.



Кўчқор НОРҚОБИЛ

Қорбобо

ҲИКОЯ



ТОШ йиғлади, сув ёнди. Юзининг ис-
сиғи ерни куйдираётган ошнам Азизнинг
куюшқони қирмоч қовураётган қилиғидан
бу гал ўзимни қўярга жой тополмадим.
Тентак, Москвага кетаман, Янги йилни
ўша ерда кутаман, Ольгани кўраман,
дейди. Шунча пайтгача дардидан дами
қайтиб яшаётганмиш. Кўзига ёш олган-
дай бўлдим-ей. Унинг довдир-совдир-
лиғига ўрганиб қолган бўлсам ҳам жаҳ-
лим чиқди. Эллиқнинг остонасида турган
азза-базза одамнинг ақл жилови узилса,
шайтоннинг қуни тугади. Эртага Янги
йил Москвада Сенга кимнинг кўзи учиб
турибди... дег.

Кўнглимдагини ўқди. "Тўппа-тўғри
Гришага учрашаман. Режа тузиб қўйиб-
ман..." деди.

— Кайф-пайфинг йўғ-а? Ичмаган-
сан-а?

У менга шундай ўкинчу надомат ва
ачиниш ҳисси ила термилдики, доною
донишманд қаршида изза бўлган ното-
вондай довираб қолдим.

Орамизда яна кўп гап-сўзлар кечди.
Ёзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. У ўрнидан
туриб менга кўл узатди, хайрлашмоқчи:

— Ҳайдовчимга жавоб бердим. Ўзим
рулдаман. Машинани сеникига қолдира-
ман. Юкхонада битта тандир, мева-чева
бор. — У менга ўзича ўқрайган бўлди.
— Сенгамас, бола-чақанга. Бўпти, мен
кетдим. Йўқ, ўрингдан жилма, қузнатма.
Ҳозир майда-чуйда ишларим бор. Кечку-
рун аэропортга чиқаман. Бориш-келишга
билетим бор. Биринчи январь қуни қай-
таман.

У шахд билан чиқиб кетди. Оғзимдаги
оғзимда, бўғзимдаги бўғзимда қолди —
нима ҳам дейин?

Азиз — жонтомир ошнам. Вилоятда
яшайди. Бообру бир идорада бошлиқ
ҳам. Иш юзасидан пойтахтга тез-тез ке-
либ туради. Ҳалиги шиша жини билан то-
моғини кўпроқ ҳўлласса бас, ўртаниб-ўр-
таниб, куйиб-қуйиб гапирарди, суйиб-суй-
иб гапирарди, шу тобда Ольгани жуда-жу-
да кўргиси келаётганини англайман.

Азизнинг қалб тубида яширинган
тип-тиник хотира уммониди ўша ман-
заралар, Ольганинг ёп-ёниқ чехра-
си қалиб чиқаётганини ҳис қиляпман.
Навқиронлик фаслининг зангор осмо-
нда порлаган муҳаббат қуёши уруш-
нинг зимистон-қархли кунларини ёритиб,
илитиб турганини ҳам англайман. Азиз
ийигит умрини қон гирдобига улоқтир-
ган дахшатли уруш тўполонлари ичида
порлаб-очилган қип-қизил атиргулни, у-
рушга, беомон ва бетутуруқ ҳаётга маз-
мун бахш этган ўша чўғдай оловгул —
Ольгани кўмсаб қоларди. У Ольганинг
ёниқ дийдоридан рўшнолик топиш учун

ўша Худо қаргаган кунларини яна бир
бор кўришни истаётганини, бу мислсиз
хилқат васлида ҳамма нарсага розили-
гини ҳам сезардим. Бу ҳолатни, албатта,
изоҳлашга ожизлик қиламан, фақат ин-
сон қалби ўртанса одам тугул олам ти-
трайди, муҳаббатдан қудратли куч йўқ,
дея оламан.

Азиз билан бир взводда, битта ҳарбий
машинада жанг қилдик. Кўпинча қисм
тиббиёт бўлимидан лейтенант Ольга
Григорьевна ҳам қўшилиб жангга чиқар-
ди. Шунда биз қисм тиббиёт бўлими
тасарруфига ўтардик. Ярадор ва ўлик-
ларни таширдик. Бошимиздан кечирган
азоб-уқубатларнинг чегараси йўқ, ҳар
бири бир китобнинг белини букадиган
огриқли хотиралар. Буларни ўрни келса
ёзаман, ўрни келмаса... ўзим билан бир-
га олиб кетаман.

Ольга қўхлик ва кўримли, адлқад,
маъсум чехрасида табассум ёйилса мо-
вий кўзлари янада порлаб кетадиган, пи-
лоткаси остидан шовуллаб ўйнаб турган
кўнғир олтинтус сочлари ҳуснига зебу
зийнат урган хушчиroy жувон эди. Биз-
дан нари борса икки ё уч баҳорни ортиқ
кўрган шу хилқатни бу ерларда бизга қў-
шилиб сарсону саргардон бўлиб, санди-
роқлаб юриши эса тақдирнинг туҳфаси ё
қарғиши эди... Хуллас, Азиз яна ана шу
ғўзал жувонга олдин ҳирс, сўнг ҳис билан
боғлиғу беқарор бўлди.

Бир тун қушовда қолдик. Пиёда-
лар жанговар машинаси экипажи — ме-
ханик Иван Юхумик, отувчи-оператор
Азиз, экипаж командири камина ҳамда
лейтенант Ольга Григорьевна зимистон
қўйнидаги кўргон деворларига елкамиз-
ни тираган кўйи эзиб ураётган ёмғир
остида шол-шалаббо бўлиб миқ этмай
ўтирардик. Ивиб-илвираган девордан
изган лой парчалари гимнастёркам ёқа-
сидан сизиб қирар, аъзойи-баданимга
худди муздай бақа ўлиқлари сирғалиб
кираётганга ўхшар, бошқаларни билма-
дим-у, менинг кўнглим лоҳас бўлиб, этим
жунжикар, юзимга ўлим нафаси урилар-
ди. Йўқ, бошқалар ҳам мендан баттар
аҳволда эдилар.

Ҳар-ҳар замонда қўл-оғимни қимир-
латиб қўяман, тани-жоним акашак, лекин
тирикчилигини ҳис қиламан, хавф-хатар-
дан чўчиб, қоронғилик қаърига термула-
ман, кўзларим зўриқиб ачишади.

Туннинг кексайиши оғир кўчди.
Тонг хира отган пайт. Ёнимга қарардим.
Азиз Ольгани гавдаси билан тўсиб, қўчиб
олган, унга зирху қалқон.

Қаршимизда, пастликда ивирсиган
ола-қула шарпаларни илғадим, Юхумик
кўргоннинг кўпорилиб тушган тарафи-
га бош ирғаи ишора қилди. Туртовимиз

ҳам жон уҳмида ўша ёққа югурдик. Боши-
мизда чийиллаб ўқлар уча бошлади. Ич-
чим узилғудай бўлиб чолдим. Ҳамма-
миз ўқдай бўлиб ўчдик. Кўргондан чиқи-
шимиз ҳамона ток новдалари чўзилган
пушталарни кесиб ўтган ариқ ичига отил-
дик. Минамёт портлади. Биз кўргондан
чиқиб олгандик. Бизникилар кўргонни
ўққа тутиб бизни ҳимоя қилиб туришди.
Ариқдан чиқиб ротамиз броньеси жой-
лашган томонга қараб елдик. Ёнгинамиз-
да яна минамёт портлади. Ерга юзтубан
қулаган Азиз чинқариб дод солапти.
Уни тортқилаб судрай бошладик, Ольга
унинг лойга беланган шими устидан ик-
кита ампула урди...

Азиз тиббиёт бўлимида икки ой ётди.
Ольга уни госпиталга юбортормади. Ўзи
қаради. Қачон Азизни кўргани борсам,
ёнида Ольга бўларди.

Хизмат ўлғур ҳам охираб қолганди.
Азизга биздан бир ой олдин уйига жавоб
беришди. Уни қузнатгани чиқдик. Ольга
ўзини қувноқ тутди, жилмайиб хайрлаш-
ди, юзида синиқ табассум зухур эди.
Вертолёт ҳавога кўтарилганда у атрофга
анграйиб қаради, сўнг... сўнг ерга ўтириб
олди-да, юзини икки кафти билан яши-
риб уввос тортиб йиғлади. Биз қарахт
эдик... Дамимизни ичимизга ютдик...

Ана шундай гаплар. Орадан қанча
йиллар ўтди, Азизнинг бугунги ташрифи
туфайли ўша кунларни эсладим, Сиз ҳам
билдинг, дедим. Юрагимда огриқли энти-
киш ҳисси, ёшлигимнинг йиллар ўтган
сайин яқинлашиб келаётган ёниқ хотира-
лари тафтини туйдим.

Икки кун ўтиб Азиз келди. Шунча қис-
тадим, уйга кирмади.

— Келин, бола-бақранг билан ҳол-аҳ-
вол сўрашдим. Бўлади шу. Юр уйингда
тиқилиб ўтирмай, бирорта кафе-мафега
борайлик. — деди ҳовлиқиб.

Ҳалини қаранг, кўнглига келадиям де-
майди.

Шаҳар четидаги одми, одам сийрак
кафелардан бирида ўтирибмиз.

— Бориб келдим, жўра, бордим. Гри-
шанинг отасига раҳмат, калласи воооо
— мундай ишлайди, — дейди Азиз бош
бармоғини зўр ишорасида кўрсатиб.

— Уни кўрдимми?

— Кўрдим. Гриша берган манзил бў-
йича бордим.

— Гаплашдингми?

— Гаплашдим...

— Нималар деди?

— Деярли ҳеч нарса. Мен Қорбобо
кийимини кийиб, башарамга соқол уриб
Қорбобо бўлиб бордим. Гришанинг қи-
зи, о-о-о, Аня, мунча ақлли десанг, Аня
Қорқиз бўлди. Ўзиям Гриша Афғондаям
зўр жанчи эди. Ҳалиям зўр, дегин. Биз-

неси катта экан...

— Гришани кўй. Ольгадан гапир...

— Ҳмм... — У энтикади. Оғир хўрсина-
ди, ютинади — Ольга жудаям ғўзал. Поч-
ти ўзгармабди.

— Кейин-чи?

— Хўш... Мен Қорбобо бўлиб бордим...
Невараси, қорамағизгина Антон билан
бирга экан. Гришанинг қизи уни роса ўй-
натди, мен совға-салом улашдим...

Ё, Худо, бу ақлдан озганга ўхшайди.

— Менга қара, Ольгага нима дединг?

— Қорбобо бўлиб келдим, дедим.

— Сизга ўғлим буюртма берганмиди,
деди.

— Ҳа, дедим.

— Ҳализамон ўғлим ва келиним ҳам
келиб қолади.

Шу маҳал эшик жиринглади... Остона-
да ўттизга кириб-қирмаган қорақош, қо-
ракўз навқирон ўғлон, ёнида суқсурдек-
кина бир жувон билан туришибди.

— Азизчи, кел болам. Келинлар. Ма-
на, Қорбобо ҳам келди, — деди Ольга.

У кўз ёшларини тиёлмади.

— Ишонасанми, йигит менинг куйиб
қўйгандек ўзим эди. Мен ўзимнинг ўттиз
ёшимни кўрдим.

Йигит менга ажабсиниб қаради:

— Мен Қорбобо қақирмадим, — деди
қулиб.

Довдираб-совдираб безатилган арча-
га урилиб кетдим.

— Мен... мен... мен, адашибман, де-
дим.

— У-у-у, отахон, анчагина отиб олиб-
сан-ку, — деди у.

Мен унга бир оғиз ҳам гапирмасдан
чиқиб кетдим. Кўз олдим тиниб, атроф
гир-гир айланаверди. Кенг кўча чети-
да беҳол-бемадор ўтириб қолдим. Гри-
шанинг қизи такси тўхтатди, уйига олиб
келди. Янги йилни Гриша билан қарши
олдим... Эрталаб, албатта, Ольганинг
ёнига бораман, деб аҳд қилдим. Шиша-
нинг кучи билан айтган эканман, эрталаб
журъатим етмади боришга. Дунё кўзимга
зимистон бўлди. Мен бундай бўлишини
сира ўйламовдим. Мен ўзимдан нафрат-
ландим, ожизлигимдан нафратландим.

— Демак?

— Ҳа... Ҳа... нима десанг шу!

У менга алланечук илинж билан қараб
турарди. Кўзларидан ёш сизмоқда.

— Энди нима қилай?

Ҳаёлимга илкис келган фикрни айт-
дим.

— Икковимиз борамиз. Бирга бора-
миз, Қорбобожон!

У мени маҳкам қучди. Мен ҳам кўз
ёшларимни тиёлмасдим.

Айтинг, унга бошқа нима ҳам дердим?



СЭМ АМАКИ

Ватанпарварликнинг йиғма образи, маълум бўлишича, ҳеч қандай асосга эга эмас. Ҳа, Сэм Амаки ҳеч қачон мавжуд бўлмаган. Гап шундаки, Uncle Sam (Сэм Амаки) сўзларидаги биринчи ҳарфлар шунчаки United States (Қўшма Штатлар) маъносини англатади. Шундай қилиб, Биринчи жаҳон уруши даврида Американинг тарғибот плакатларида йиғма образ тасвирланган. Сэм Амакининг фақат юзи шахсий муаллиф — Америка тимсоли сифатида ўзини акс эттирган карикатурачи Флэгдэн олинган.

Тарихчилар мавжудлигига шубҳа қилувчи

10 НАФАР МАШҲУР ШАХС

БИРОР шахс ҳақида асарлар ёзилса, улар асосида фильмлар сура-га олиниб, машҳур бўлиб кетса, кўпчилик аслида шундай одам мавжуд бўлган, деган ҳаёлга боради. Шундай қилинса, ишончли кўринади ва асар харидорғир бўлади. Шу боис, биз Чингизхон ёки Гитлернинг аслида мав-жуд бўлгани борасида шубҳа қилмаймиз. Бироқ шундай кишилар борки, уларнинг машҳурлиги бу (изини ҳам топишга муваффақ бўлинмаган) икки шахсниқидан қолишмайди. “Ундай бўлса, улар ким?”, деган ўринли савол пайдо бўлади. Тарғибот орқали сингдирилган шахсларми ёки қаҳрамон-ликка чорловчи персонажларми — буниси ўзингизга ҳавола.

ҲОМЕР

Юнон шоири Ҳомер “Илиада” ва “Одиссея” мухлислари учун ҳақиқатда мавжуд бўлган шахс. Уни одатда Хиос оролида яшаган кўзи ожиз шахс сифати-да тасвирлашади, бироқ турли эксперт-ларнинг кўрсатишича, у муаллифлиги бириктирилаётган шеърларни жисмоний нуқтаи-назардан ёзиши мумкин эмасди. Шу боис кўплаб номаълум шоирлар ва ёзувчилар яратган асарлар муаллифли-ги учун Ҳомер ўйлаб топилган персонаж эканлиги эҳтимолга яқинроқ.

РОБИН ГУД

Бадавлат кишиларни тунаб, камбағал-ларга пул улашувчи “қаҳрамонлар” бўл-ганмикин? Жавоб “йўқ” бўлса-да, одам-лар қачонлардир шундай инсон бўл-ганлиги ва унинг одамларга яхшилик қилганлигига ишонгиси келади. Бироқ та-рихчилар — қатъий шахслар. Улар зарра-ча шубҳасиз Робин Гуднинг аслида мав-жуд бўлмаганини исботлашга уринишди. XII асрда ҳақиқатда Robehod атамаси бўлган, бироқ бу сўзни барча қароқчилар-га нисбатан қўллашган. Афтидан, гўзал афсона ҳам шу асосда келиб чиққан.

ҚИРОЛ АРТУР ВА АЙЛАНА СТОЛ РИЦАРЛАРИ

Британия монархлари ҳақида кинема-тографик ҳикоялар кўп. Уларнинг барча-си ҳақиқатдек туюлади, Британия монар-хияси ўз тарихининг узлуксизлигини таъ-минлаб келувчи мамлакат, ахир. Бироқ бу афсоналарнинг энг сеvimли қаҳрамо-ни — қирол Артур ва унинг Айлана Стол рицарлари ҳамда Ланселот — афсона-дан бошқа ҳеч нарса эмас. Тарихчилар асрлар давомида бу афсонанинг ҳақиқат эканлигига ишора қилувчи ҳеч бўлма-ганда битта тарихий асос топишга ҳа-ракат қилишди. Бироқ бунинг уddасидан чиқишмади ва шу билан қидирувлар тўх-татилди.

ВИЛЬГЕЛЬМ ТЕЛЛЬ

Швейцариянинг ҳуқуқ ва эркинлик ку-рашчиси Вильгельм Теллни кўпчилик Шиллер ва Россиянинг асарлари орқа-ли танийди. Унинг қаҳрамонликлари тилларда дoston бўлган. Телль Герма-ния императори ўғлининг бошига қўйил-ган олмани арбалетдан пойлаган. Уткир мерганнинг мавжудлигига оғзаки маълу-мотлардан бошқа далиллар йўқ. Бироқ афсона тафсилотлари рамзий аъна-ларга ҳаддан зиёд мос келади. Бу эса барчасининг бошидан охиригача ўйлаб топилганини билдиради.

“Инсон ва қонун” мухбири Мадина ҲАМДАМОВА тайёрлади. (Давоми келгуси сонда).

РЕКЛАМА

Хурматли юртдошлар!

“АСАКА” БАНК

қуйидаги миллий ва хорижий валютадаги янги узок муddатли омонат турларини таклиф этади:

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

78-120-82-37, 78-120-82-65, 78-120-82-98.

“МАНФААТЛИ”



Омонат муddати
18 ойгача.



Омонатга фоизлар қуйидагича ҳисобланади:

- 12 ой сақланса — 16 фоиз (йиллик);
- 13 ой сақланса — 17 фоиз (йиллик);
- 18 ой сақланса — 18 фоиз (йиллик).



“Асакa” банк шу билан биргаликда миллий ва хорижий валюталарда 26 турдаги қулай шарт-ларда муddатли омонатларни таклиф этади.

“ИНВЕСТИЦИЯ”

(АҚШ долларидa)



Омонат муddати
25 ойгача.



Омонат фоизи
5 фоиз (йиллик).



Омонатларни банкнинг бар-ча филиалларида расмий-лаштириш мумкин.

Ҳисобланган фоизларни, омонатчининг истагига кўра, ҳақиқатда сақланган муddат учун олиш мумкин.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.
СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- декларация қилинмайди;
- солиқлар ва бошқа мажбурий туловлардан озод;

- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

“АСАКА” БАНК — сармоянгизни сақлашни ва кўпайишини кафолатлайди!



www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

ИНСОН ҚОНУН

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0061-рақам билан
рўйхатга олинган



Бош
муҳаррир

Кўчкор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалилович
Тожиёв Фурқат Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиев Зайниддин Очилович

Навбатчи
Фарида
Қорақулова

Саҳифаловчи-
дизайнер
Жамшид
Ғофуров

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида chop этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 12031
Буюртма — V-3033
Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 22:40

МАНЗИЛИМИЗ:

100 000, Тошкент ш.

Сайилгоҳ кўчаси-35.

Факс: (0371) 233-44-23,
(0371) 233-44-08

Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоис величилиган нархда

1 2 3 4 5